

Бугунги  
сонда:

Оилавий тадбиркорлик:

Қоғозда эмас, амалда бўлсин

Хусусийлаштириш: Корхонага нима беради, давлатгачи?



2



3



ЁМОНЛИКДАН  
ЯХШИЛИК  
КЕЛМАС 4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2020 йил  
14 ноябрь

ШАНБА  
№ 77 (13338)

@haqiqatonline

## Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш

**И**нсонга, жамиятга наф келтирувчи энг улуг ва ибратли ишлар, буюк кашфиётлар, аввало, Ватанга муҳаббат туйғуси билан юзага келади. Зотан, ватан иши ватан ишқи билан йўғрилса, ҳар қандай улугвор мақсад чинакам маънода рўйбга чиқади. Бу эса олиб борилаётган сиёсат ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка сингдириш билан чамбарчас боғлиқ.



## ЮРТ ИШИ ЮРТ ИШҚИ БИЛАН МУКАММАЛ

Бир бири билан ўзаро боғланган иккита муҳим ҳаракат бугунги ҳаётимиз йўлнамаси ва тараққиётимиз кўлланмасидир. Бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларнинг ажбдор технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхон-

ликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 муҳим ташаббусдир. Таъбир жоиз бўлса, бугун мана шу икки мезон доирасида халқ манфаатларига қаратилган кенг қамровли ислохотларнинг моҳиятини омма онгига жо этиш йирик маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон тўра Ибрат домла ибораси билан айтганда, асл "ватаний иш"дир. Худди шу мақсадда маҳаллалар бўйлаб "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш"

маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Тарғибот тадбирларини йил давомида ўтказиш бўйича ташкилий кўмита ва Республика штаби ҳамда унинг етти йўналиши бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир йўналишда кўламли ишлар бошлангани эътиборга молик. Бугунги кунда улар тарғибот гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, тарғибот материалларини тайёрлаш ва етказиш, олий таълим муассасалари то-

монидан маҳаллаларда тарғибот ишларини тизимли олиб бориш каби вазифалар билан машғул. Фан, маданият ва санъат ар-боблари, сиёсатшунос, психологлардан иборат бир гуруҳ зиёлилардан таркиб топган 14 та ҳудудий тарғибот гуруҳи соҳавий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини кўтаринки руҳда олиб бормоқда. "Нуруний" жамғармаси республика Кенгаши бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Республика штаби раҳбари Со-

диқжон Турдиевнинг таъкидлашича, тарғиботчилар 9 минг 150 дан ортиқ маҳаллага кириш асосида мамлакатимиз ва жаҳонда бўлаётган турли ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳаётий ва таъсирчан шаклларда одамларга етказадилар. Асосий мақсад аҳолининг кайфиятини кўтариш, уларда ислохотларга ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга меҳр ҳиссини оширишдир.

(Давоми 2-саҳифада)

### Ҳамкорлик



## ВИЛОЯТДА IT АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Рустам Ҳолматов юртимизга ташир бу юрган Япония компанияси вакиллари билан учрашди.



Тадбирда "Beeanz Inc." компанияси Бош директори Тсутоми Учима, мазкур компания маслаҳатчиси Даисукэ Накамура ва "Gakko plus" компанияси раҳбари Масаяя Вашизу иштирок этиди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда Тошкент вилояти ҳамда Япониянинг "Beeanz Inc" компанияси ўртасида IT-академияси бунёд этиш борасида келишувлар имзоланди.

Келишувга кўра, мазкур Академияда ўқиш муддати 10 ойни ташкил этади. Унда ҳафтасига 5 кун видеодастар бўлиб ўтади. Шунингдек, ҳафтанинг ҳар жума кунини япон мутахассиси ва таржимон ёрдамида савол-жавоб ўтказилади.

Вилоят ҳоқимлиги  
Ахборот хизмати

## ЧИРЧИҚ билан НУРАФШОН БОҒЛАНДИ

Қулайлик

**Х**абарингиз бор, Президентимиз вилоятимизга таширларидан бирида вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшонни бошқа туман ва шаҳарлар билан боғловчи транспорт қатновини ташкил этиш бўйича топшириқлар берган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, одамларга қулайлик яратиш, узоғини яқин қилиш мақсадида "Нурафшон – Чирчиқ" йўналиши йўлга қўйилди. Мазкур йўналиш учун "Алихан Транс Сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан Хитойдан барча қулайликларга эга замонавий автобуслар сотиб олинди.



Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

Автобуслар Чирчиқ автошоҳбехатидан Нурафшон шаҳрига ҳамда Нурафшондан Чирчиқ томон ҳаракатланади. Бир тарафнинг ўзига оралиқ масофа қарий 70 километри ташкил қилади. Карантин ҳамда йўловчилар оқимини ҳисобга олган ҳолда ҳозирча йўналишга 6 та автобус қўйилди. Келгусида улар сонини 10 тага етказиш кўзда тутилган.

3

## Пискент тумани:



**О**хири йилларда вилоятимизда тадбиркорлик равнақиға эътибор кун тартибидан тушмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини ички ҳамда ташқи бозорларда сотишга бир қанча қулайликлар яратмоқда.

Масалан, 2020 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида ҳудуддаги мавжуд 557 та экспортёр корхона томонидан 56 та давлатга саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу йўналишда Пискент туманида олиб борилаётган ишлар билан жамоатчиликни яқиндан таништириш мақсадида вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати томонидан ОАВ

ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди.

Таъкидланганидек, ҳудудда жорий йилнинг 1 ноябригача қиймати 4 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган маҳсулотлар экспорт қилинди. Шу билан бирга, 2020-2022 йилларда 909 млрд. 736 млн. сўмлик 36 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, орда қолаётган йилнинг



ўзида умумий қиймати 154 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 12 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб тумандаги "САХОВАТ БРОЙЛЕР" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишдилар.

3

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



**ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани**даги кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан "Шоликор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Халқ ободлиги" ширкатида 154 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағларга 2 та икки қаватли: 15/6- ва 15/9-уйларнинг том қисмини профнастиль қопламаси билан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.



**ПИСКЕНТ туманида** ёш тадбиркорлар учун бизнес тренинг ташкил этилди. Тадбирда 36 нафар тадбиркор ва ўз бизнесини бошлаш истистадаги йигит-қизлар иштирок этиди. Тренинг доирасида "Бирлик" маҳалласида жойлашган "LOTUS TEKSTIL" трикотаж фабрикасида саёҳат уюштирилди. У ерда ёшлар истиқболли лойиҳалар танлаш, бизнес бошқаруви бўйича инвестор тажрибаси билан яқиндан танишдилар.



**ОЛМАЛИҚда** йўловчи ташувчи транспорт воситалари фаолиятини тартибга солиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳар прокуратураси вакили, ИИБ, ЙХХБ, ДСИ раҳбарлари ҳамда вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг кун тартибидagi масала бўйича ахборотлари эшитилиб, йўловчи ташувчи корхоналар раҳбарлари йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳақида қатъий оғохлантирилди.



**ҚҮЙИ ЧИРЧИҚ тумани** "Баркамол авлод" бошқаруви марказида ёшларнинг техника, ўлкашунослик, бадий йўналишга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида "Очиқ эшиклар кунини" ўтказилди.

Тадбирда миллий аъналаримиз асосида кўргазма ташкил этилиб, марказ ўқувчиларининг қўл меҳнати билан тайёрлаган ишлари намойиш этилди.

# Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш

## ЮРТ ИШИ ЮРТ ИШҚИ БИЛАН МУКАММАЛ

Куни кеча пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани меҳнаткашлари билан Қумовулдаги маданият саройида ўтказилган шу руҳдаги маънавий-маърифий тадбирда юқоридаги мулоҳазаларнинг тажассумини кўрдик. Бу борада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари жамоасининг роли ва иштироки катта бўлди. Тадбирда жонли суҳбат-маърузадан сўнг санъаткорларнинг мусиқий чиқишлари, ёш спортчиларнинг амалий машқлари, ўқувчиларнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари, викторина ўйинлари ғолибларига турли совғалар тақдим этиш даврага файз ва тароват бахш этди. Тошкент вилоятининг янги маркази – Нурафшон

шаҳрининг бунёд бўлиши ва уни Ўзбекистондаги биринчи "ақлли шаҳар" дея эътироф этилгани билан боғлиқ мушоҳадалар, бу ердаги кенг бунёдкорлик ишлари ҳақидаги лавҳа ва ҳикоялар тадбир иштирокчиларини руҳлантирган. Учрашувларда Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида илгари сурилган фикр ва долзарб йўналишлар ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ва унинг мазмун-моҳиятининг таҳлил этиб берилиши ғоят фойдали бўлмоқда. "Конституция – халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги", "Янги Ўзбекистон – янги тараққиёт босқичида", "Хотин-қизларни ижтимоийлаштириш ва уларни фаоллаштириш", "Ёшлар-

ни ижтимоий фаоллаштиришга инновацион ёндашув" каби мавзулардаги маърузалар билан қатнашаётган муҳтарам олимларимиз, илм-фан намояндлари, сиёсатшуносларнинг чиқишлари ҳар бир давра иштирокчиларининг маънавий оламини бойитиб, уларни бугунги жараёнларни чуқур ва теран тафаккур қилишга ундамоқда. Буни учрашув ва мулоқотларда оддий одамлар томонидан билдирилаётган самимий фикр ва мулоҳазалардан ҳам аңглаш мумкин.

**Рузимурод ЧОРИЕВ,**  
**педагогика фанлари номзоди, доцент**  
**Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,**  
**филология фанлари номзоди, доцент**

**ПИСКЕНТ** туманидаги 30-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган кечада янгилаётган Ўзбекистон, вилоятимиз ҳамда туманинг янги қиёфаси, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тадбирга 130 нафар иштирокчи қамраб олинди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларга Ватанимизнинг янги тараққиёт босқичига чиққани, бу йўлда янгича ёндашув, ҳамжихатлик, фидойилик кўрсатиш зарурлиги ҳақида таъкидлашди. Тадбирда концерт дастури ва мавзуга доир видеоролиқлар намойиш этилди.

## Тарғиботнинг таъсирчан кучи

**Сайёра ФАЙЗИЕВА,**  
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази**  
**вилоят бўлими раҳбари:**

– *Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка маҳаллабай етказиш юзасидан қўлдан келган амалга оширилмоқда.*

Хусусан, "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" шиори остида ўтказилаётган тадбирлар пандемия даврида аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилмоқда. Ҳозирда жойларда тузилган тарғибот гуруҳлари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, фуқароларнинг ёш тоифаси, оилалар таркибини инобатга олган ҳолда аҳолини юртимизда ва дунёда бўлаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан хабардор қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка етказишмоқда.

Жумладан, вилоятимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган маданий-маърифий, тарғибот тадбирларига ижтимоий ҳимояга

муҳтож фиқаролар, уюлмаган ёшлар, эҳтиёжманд хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари қамраб олинмоқда. Бунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан маҳалла раислари билан ҳамкорликда иштирок этувчилар рўйхати шакллантирилиб, тадбирларда таниқли олимлар, санъаткорлар, спортчиларнинг иштироки ҳам таъминланмоқда. Шунингдек, тарғибот тадбирлари доирасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида маҳалла ва туман миқёсида ўтказиладиган икки босқичли "Энг китобхон оила", "Энг китобхон ўқувчи" кўриқ-танловларини ўтказиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.



## СОФИНИЙ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб юртимиз бўйлаб ўтказилаётган. «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» ғоясини ўзида муҳасамалаштирган тадбирлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида катта кўтаринкилик билан ўтмоқда. Жумладан, **НУРАФШОН** шаҳридаги "Маданият" марказида ўтган тадбирда "Ёшлик" маҳалласи аҳолиси иштирок этди. Тадбирда китоб ярмаркаси, халқ хунарандчилиги буюмлари, ёш расомларнинг ижодий ишлари, инновацион ишланмалар кўргазмаси намойиш этилди.

**ПАРКЕНТ** туманидаги 29-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" шиори остида ўтган маънавий-маърифий тадбирда туман ҳокими Нигмат Мухамедов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, бокс бўйича жаҳон чемпиони Фазлиддин Ғойибназаров, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мактабга кираверишда ёш спортчилар кўргазмани кўришди.

Тадбир сўнида Республика Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган қадимий чоғу асбоблари ижрочилари учун "Умрбоқий наволар" республика кўриқ-танловида "Энг яхши чанқовуз ижроси" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга кiritган Муроджон Алиевга туман ҳокимининг эсдалик совғаси топширилди.

**ОЛМАЛИҚ** шаҳрининг "Металлур" маданият саройида бўлиб ўтган тадбир юрт қорига қамарбаста бўлиш истагида юрган кишилар кўнглига чинакам маънавий озуқа бера олди. Учрашувда шаҳар маъқеини кўтарган ёш спортчилар ўз ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди, санъаткорлар ижод намуналари билан иштирокчиларни хурсанд қилишди.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ** туманидаги "Қорасув" маҳалласида жойлашган 24-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабидаги тадбирда Тошкент Давлат стоматология институти, туман прокуратураси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, умумтаълим мактаблари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этишди. Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда куй-қўшиқлар, чиройли рақслар ижро этилиб, йиғилганларга кутаринки кайфият улашилди.

**ОҚҚҮРҒОН** туманидаги 25-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда туман маданият бўлими хонандлари ижросидаги куй-қўшиқлар, истеъдодли ёшларнинг ижод намуналари, янгилаб бораётган туман ҳақида тайёрланган видеоролик намойиш этилди. Шунингдек, оққўрғонлик таниқли спортчилар туман ёшларига самимий тилақларини билдиришди. Шу каби тарғибот тадбирлари вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда.

**Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА**  
**/Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**

## Оилавий тадбиркорлик: Қоғозда эмас, амалда бўлсин

**Вилоят Молия бош бошқармаси** биносидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг туманлардаги ижроси юзасидан тақдирот шаклида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.



Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастурининг январь-октябрь ойлари якунлари ижроси юзасидан таҳлилий жадваллар асосида иштирокчиларга тушунтириш беришди.

Муҳокамада дастурда белгиланган вазифалар вилоят бўйича суут бажарилаётгани танқид қилинди.

Шунингдек, иш жараёнида камчиликларга йўл қўйган Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Қўйи Чирчиқ, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Зангиота туманлари ҳамда Бекобод шаҳри молия ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими мутасаддилари қатъий огоҳлантирилди.

Йиғилиш якунида Давлат дастурлари параметрлари режаси ижросини таъминлаш юзасидан семинар йиғилишлар ўтказиш бўйича жадвал ишлаб чиқиши белгиланди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**  
**Молия бош бошқармаси**  
**Ахборот хизмати**

**Шанба. Эрталаб соат 9:00. Метронинг "Пахтакор" бекатида**миз. Кимгадир дам олиш, кимгадир иш куни. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати тақлифи билан Олмалик шаҳрига медиа-турга отланганмиз. Журналистлар, тасвирчилар иккита микроавтобустга бўлинидигу "Қайдасан, Олмалик?" дея жўнадик. Бундай сафарлар аввалида Алишер Навоийнинг "Йўл ёмон яхшисидан ема ғам, Бисмиллоҳ, дегилу қўйил қадам", сатрлари эсга тушади. Суҳбатдошларнинг яхши бўлса, йўлнинг узоғи

**Уйғоқ гаплар анжумани**  
Олмалик шаҳри қишли-қировли кунларга тайёрми?

Миллий технология тадқиқотлар университетининг Олмалик шаҳридаги филиали биносидан шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов билан ўтказилган матбуот анжуманида бу саволга мутасаддилар жавоб берапти. Зерикарли ҳисобот шаклида бошланган йиғинни ҳоким шартта бўлди: "Журналистлар ўзимизни мақташимизни эшитиш учун келмаган", дея анжумани савол-жавоб тарзида давом эттиришни сўради. Элёр Гўрўғлиев мутасаддилардан ҳисоботларни электрон шаклини беришларини сўради. Шу билан ухлатадиган учрашув уйғоқ гаплар анжуманига айланди.

Айтилишича, Олмалик шаҳрида жами 674 та кўп қаватли уй-жой мавжуд экан. Шундан 355 тасига 37 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 1 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатапти. Аҳолининг ширкатлардан 7 миллиард сўм муддати кечиктирилган қарзи бор. Ширкатлар банклардан 13 миллиард сўм қарз. Бу муаммо қандай бартараф этилади? Анжуманда асосий масала шу саволга жавоб топиш бўлди.

Шаҳардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тизими инқирозга учраган. Шу боис, мутасаддилар Юнусобод туманида тажрибадан ўтказилаётган бошқарув сервис компанияларини Олмаликда жорий қилишни мақсад қилибди. Хусусан, ширкатларда янги электрон тизим яратилар экан. Ҳўни, хонадон эгаси қарздорлиги ё тўлаган пуллари қаерга кетаётганини телефонли орқали билиб турармиш. Янги тизимда мажбурий бадал 1 квадрат метр жойга 800 сўм этиб белгиланибди. Ширкатлар уч тоифага ажратилган: оғир – қизил, ўрта – сариқ, яхши – яшил. Қизил тоифадаги ширкатлар бошқарув сервис компанияларига ўтказилади.

## Ислохотлар ёзувчи нигоҳида

ҳам билинмайди. Ёшлар" телеканали "Давр" ахборот дастури муҳбири Нодирбек Шамсиддин, "Севимли" телеканали "Замон" дастури муҳбири Элёр Гўрўғлиев билан турли мавзуларда гурунглашиб борамиз. Орқа ўриндикда ташкилотчилар вакили – Ахборот хизмати мутахассиси Элбек Шойимов телефонда кимлар биландир гаплашиб, ташкилий ишларни ҳал қилиб кетяпти. Қизғин гурунғ оғушида шаҳарга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик.

**Оталиққа олинган бола**  
Матбуот анжумани тугагач, жойларга чиқиладиган бўлди. Ташқарига чиқганимиздан сўнг, шаҳар ҳокими қўлида жилд кўтариб олган бир йиғитчани бизга таништирди. Қўриқидан тиришқоқ йиғитнинг қўллаб-қувват-

ҳисобига қопланади. Маълумотларга кўра, 10 октябрь куни очилган компания ходимларга 1,5 дан 2,5 миллион сўмгача ойлик тўлаяпти экан. Унда ҳозирча 18 киши ишлаяпти. Демак, бир ойдан бери 18 оиланинг рўзғори бутланаёпти.

нал" ширкати тугатилган ва энди маҳаллага "Олмалик коммунал сервис" БСК хизмат кўрсатади. Одамларнинг ҳоким ва оммавий ахборот воситалари ходимларига шикоятларини тўхтамасдан гапиришини кўриб ичимдан шундай ўй ўтди: "Ишқилиб, янги тизим ўзини оқласинда..."

**Автобустаги жиддий гурунғ**  
– Стадион йўқ, деяпти бир киши, – дейди вилоят ҳокими матбуот котиби Бехзод Қобуллов "Теракли" маҳалласига автобуста кетар эканмиз.  
– Қанақа стадион? – сўрайди шаҳар ҳокими. – Ишонасизми, Олмалик шаҳрида 25 та кичик стадион бор.  
– Айнан мана шу ҳудудда борми? – кимдир савол ташлайди.

## Кичкина шаҳарнинг



ланишга эҳтиёжи бор экан. Ҳоким: "Мен бу болани оталиғимга олдим, ғамхўрлик қиламан, ўқишга киритаман, бундай айтсам, ўғил қилиб олдим. Ёшларни қўллаш керак, биз уларга бугун керакмиз, эртага улар бизга керак", дейди унинг қўлини ушлаб. Элёр Гўрўғлиев ота-болани билдирмасдан суратга олиб, телеграмдаги каналига бу ҳақда пост ҳам жойлаб қўяди...

**Бошқарув сервис компанияси**  
"Олмалик коммунал сервис" бошқарув сервис компаниясига қарашли захира омборига борамиз. Оммавий ахборот воситалари ходимлари у ердаги қурилиш материаллари захираси билан танишади. Бу материаллар тўғридан тўғри заводдан олиб келинган боис арзон ва сифатли экан. Захира омбори БСКнинг ўз маблағи ҳисобига шакллантирилган. Сарфланган маблағ аҳолидан тушган пул

### "Халқ билан бўл, халқ ичинда бўл"

Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалланин 12-уйи ёнидамиз. Аҳоли ҳамда ҳоким, мутасаддилар юзлашди. Айтишларича, маҳаллага хизмат кўрсатувчи "Олмалик коммунал" ширкати яхши ишламаган. Натижада аҳолининг муаммолари йиғилиб қолган. Одамлар иссиқлик тизимига йил-ўн икки ой пул тўлаши, аммо уйлари уч ойгина исинишни айтяпти. Кимдир маҳаллада бекат ва стадион йўқлигидан ёзгаради. Кимдир қайсидир кўп қаватли уй олдида даладан сув оқиб келишудан нолияпти. Яна биров "иссиқсув-совуқсувчи" лар кўчани қавлаб, қазилган жойни ёппасдан кетганидан ҳайрон...

Йиғилиб қолган муаммолар тортинмасдан айтилди. Ўзгариш қилиш мақсадида бугун "Олмалик комму-

– Йўлнинг нарига бетига ўтамыз, бу томонда, мана, стадион, – дея қўли билан кўрсатади ҳоким.

– Лекин биргина стадион муаммоси айтилмаяпти, – эътироз билдиради "Хуррият" газетаси муҳбири Абдулазиз Аҳмедов. – Йўлларнинг муаммоси кўтарилди. Сув муаммоси. "ЖЭК" умуман ишламайди, дейишяпти.

– Яхши-ку, муаммо кўтаргандан кейин ишлаймиз-да, – жавоб беради ҳоким. – Албатта, ҳар битта камчиликни ўрганиб чиқишимиз, дастур тайёрлашимиз, манбасини аниқлашимиз керак. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини "ширкат" деймизми ё сервис компанияси дея атаймизми, улар ўз ишларини тизимли йўлга қўймаса, иш олдинга силжидмайди. Йиллар давомида қилинмаган ишлар бўлса, бир кунда қилиб бўладими? Ўн кунда қилиб бўладими? Керак бўлса, бир йилда ҳам қилиб бўлмайди! Биласизми, Олмалик шаҳрида сув йўқотиш даражаси 42 фоизни ташкил қилади. Бу жуда катта йўқотиш. Уни бартараф этиш учун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда қувурларни алмаштиришимиз керак. XX асрнинг 60-70-йилларида ётқизилган қувурлар бугунги кунда чириб бўлган.

# ЧИРЧИК билан НУРАФШОН БОҒЛАНДИ

(Давоми. Бошланғич 1-саноқда)

– “Азия-Стар” автобусларининг 150 донасини Ўзбекистонга келтириш учун 5 йил муддатга шартнома имзоланган бўлиб, яна 30 таси яқин кунларда олиб келинади, – дейди “Алихан Транс Сервис” МЧЖ Тошкент филиали директори Баҳодир Ҳамдамов. – Автобус экологик тоза, табиий газда ишлайди. Салон ичи ёруғ, ногиронлар ва ёш болалар учун махсус кириш ва чиқиш жойи, шунингдек, монитор, кўёшни тўсувчи пардалар билан жиҳозланган, ўриндилари юмшоқ.

Автобуснинг узунлиги 9,5 метрни ташкил этади. Ёнингга қарши мосламалар, ёзда салқин, қишда иссиқлик берувчи кондиционер ўрнатилган. Йўлқира нархи масофага қараб 5-6 минг сўм атрофида, йўналишлар оралиғи ўртача 40 дақиқани ташкил қилади.

– Виллоят аҳолисини транспорт хизматида бўлган ахтиёжини қондириш мақсадида бир қатор лойиҳалар устида иш олиб бораёلمиз, – дейди виллоят транспорт бошқармаси бошлиғи Садриддин Шокосимов. – Жумладан, яқин кунларда туристик зона ҳисобланган Юсуфхона билан Қўйлиқ массивини боғловчи замонавий транспортлар катновини йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Қатнов йўналишининг сўнгги бекати – Нурафшон автошоҳбехати бўлиб, айни кунларда бу ерда қурилиш ишлари низоҳасига етказилмоқда. Йўловчиларнинг келиб-кейтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаёпти. Қўйлиқ заллари қишнинг совуқ кунларини ҳисобга олган ҳолда замонавий иситиш мосламалари билан жиҳозланмоқда, ҳозирда монтаж жараёнлари бажарилмоқда.

Бундай қулайликлар тўғрисида, эндиликда виллоят аҳолиси ва меҳмонлар хориз давлатларидан қўлишмайдиган замонавий транспорт хизматларидан фойдаланишдади.

3. ҚАМБАРОВ

### Виллотимизда самарасиз фойдаланилаётган давлат Фармон ва ҳаёт

Виштироқидаги корхоналар фаолияти ўрганилган-да давлат улуши сақлини қолдирган қўлғина тармоқлар ва йирик корхоналарда ҳали-ҳануз бозор механизмларига ўтишни кечикаётганлиги кузатилди. Бу ҳол янги турдаги рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринларини яратишга тўқсинлик қилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрда қабул қилинган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан ана шу муаммоларни энг мақбул йўллар билан бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Авалло, қайд этиш жоизки, ҳужжатда бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг 3 та асосий йўналиши кўрсатилган.

Унга мувофиқ, биринчидан, мамлакат миқёсида бир қанча йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари трансформация қилинади, иккинчидан, бир гуруҳ корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Учинчи йўналишда эса, корхоналарнинг давлат акция пакетлари оммавий савдолар орқали тўлиғича хусусий секторга сотилади. Хусусийлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва бекум қўст амалга ошириш мақсадида жаҳон тажрибаси, жумладан, МДҲ давлатларида иқтисодий ислохотлар ва хусусийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга оширган Польша тажрибаси ўрганилди.

Бевосита виллоят мисолида айтиладиган бўлса, юқоридаги йўналишлар асосида виллоят ҳудудида жойлашган “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамияти трансформация қилинади.

# Хусусийлаштириш: Корхонага нима беради, давлатгачи?



Натижада, мазкур жамиятда халқаро бозорда рақобатбардор бўлишни таъмин этувчи замонавий корпоратив бошқарув тизими яратилади, барча маълумотларнинг шаффоф бўлишига эришилади.

Иккинчи муҳим йўналишга мувофиқ, виллоятдаги 10 та давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилади, шу тариқа операциялар самарадорлик оширилади. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекистон металлургия комби-

нати”, “Ўзбеккумир”, “Ангрен иссиқлик электр станцияси”, “Биокиме” акциядорлик жамиятлари, “Олмазор тажриба-механика таъмирлаш ёрдамчи корхонаси”, “Тошвилйўлсаноат”, “Бекобод тумани йўллардан фойдаланиш” давлат унитар корхоналари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, учинчи йўналиш орқали бир қатор корхоналарнинг давлат активлари

риш, 8 та корхонанинг давлат улуши соф активларига пропорционал қиймати 100 миллион сўмдан ошмаганлиги боис тезкор савдога чиқарилиши кўзда тутилган ва бу йўналишда ишлар жадаллик билан давом этмоқда.

Дарвоқе, мазкур жараёнда фармон билан қамраб олинмаган, бироқ хусусийлаштириш режалаштирилган 200 та корхона ва кўчмас мулк объекти ҳам оммавий савдоларга чиқарилмоқда. Уларнинг 99 таси аввал қабул қилинган қарорлар бўйича, 101 таси маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатлари дои-

расида сотилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг бу муҳим фармони ўз кўлама ва аҳамияти билан мамлакатимизда хусусийлаштириш ислохотларини мутлақо янги босқичга кўтаради. Ўз навбатида, биз ҳам уни бекум қўст, очкилик ва шаффофлик тамойилларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ижро этиш, фармон мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кент тарғиб этиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Нурафшон шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ташкил этилган “Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси” ҳам айнан шу мақсадлар рўёби йўлида хизмат қилмоқда.

**Камолиддин ТОИРБЕКОВ,**  
Давлат активларини бошқариш агентлиги виллоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## Пискент тумани: АДБИРКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ



Корхона 2016 йилда ишга туширилган бўлиб, бройлер ҳўжаларини парваришлаб, шу ернинг ўзида парранда гўштини қайта ишлаб, қадокланган ҳолда бозорларга чиқаради. Бу ерда йилга 11 минг тонна гўшт қайта ишланиб, 20 хилдан ортиқ парҳезоб маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, мазкур тузилма орқасидан деярли 700 нафар пискентликнинг “қора қозони” қайнаёпти. Шунингдек, корхона ўрта Осиё давлатлари билан ҳам савдо-сотиқ бўлини ҳамкорликни йўлга қўйган.

Айни пайтда корхона маҳсулотларининг каттагина қисми ички бозорларда сотилмоқда. Бюси, халқимизнинг товуқ гўштира бугун ахтиёж юқори. Бироқ, “САХОВАТ БРОЙЛЕР” жамоаси экспорт ҳажмининг ҳам ошириб боришга интиломоқда. Биргина, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида ташкилот 44,4 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни четга сотишга муваффақ бўлди.

Кейинги манзил шу туманда жойлашган маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “ТУРОН-БИЗНЕС-ЛИМИТЕД” корхонаси бўлди. Қарийб 15 гектар майдонда афғонистон-

ланади, – дейди ҳўжалик раҳбари Абдул Ҳади. – Жумладан, ўсимлик нектаридан асабини тинчлантириш, нерв толаларини мустаҳкамлаш, юрак билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда, япругидан бўлса, аёллар косметикасида кенг фойдаланилади.

Афғонистонлик инвестор томонидан доимий 40 та, мавсумий 200 та иш ўрни яратилган. Ҳозирда ушбу ўсимлик етиштириладиган майдонларни кенгайтириш чоралари кўриляётган экан.

Медиа-тур якунида ОАВ ходимларига амалга ошириляётган ишларни ёритишдаги фаолликлари учун миन्दорчилик билдирилди.

**Сухробжон САДИРОВ**  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ  
олган суратлар



### БИР АСРЛИК МАКТУБ

Бундан 110 йил олдин почтачи кабутар тушириб қўйган немис армияси зобитининг мактуби Франциянинг Эльзас ҳудудидан топилди.

Музей ходими Доминик Жардиннинг маълум қилишича, алюмин қапсуладаги хатни Ингерсайм коммунасида сайр қилиб юрган жуфтлик тасодифан топиб олган ва Орб шаҳрида жойлашган ёдгорлик музейига топширган. Қапсуланинг ичида немис тилида ёзилган кўлзма матн бўлган. Жардиннинг германьялик ҳамкасбларидан бири готика ёзувидаги мактубни ўқишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, хат 1910 йилнинг июль ойида пиёда полк зобити томонидан ўз бошлиғига юборилган бўлиб, ўша пайтлари Германия империяси таркибига кирган Эльзас ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ маълумотлар ёзилган экан.

### АНА ХОЛОС...

Ашхобода Олабай зотли итга олтиндан ҳайкал ўрнатилди: баландлиги 6 метр, 9 метр пойдевори ҳам бор.

«Туркманистон бугун» агентлигининг хабар беришича, пойдеворга монитор ўрнатилган бўлиб, очилиш маросимида шу зотли итлар иштирокидаги видеороликлар намойиш этилган.

### НУР-СУЛТОННИ ҚОР ҚОПЛАДИ

Қозғоғистон пойтахти Нур-Султонда кучли қор ёғиши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони кескин кўпайди.

Бу ҳақда шаҳар полиция департаменти матбуот хизматида асосланиб “TengriNews.kz” маълумот берган.

Йўл-патруль полицияси автомашина эгаларига йўлларда эҳтиёткорлик билан юришни сўраб, мурожаат қилган.

Шунингдек, бошқарма маълумотида кўра, кун давомида шаҳарда 130 дан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган.

### “ЎЛИК” ЧАҚАЛОҚ... ТИРИЛДИ

Ҳиндистоннинг Ассам штатида ўлик деб тахмин қилинган чақалоқ кўмилишидан олдин уйғонган. Бу ҳақда Times of India хабар берди.

Маълум бўлишича, ота-она икки ойлик касал чақалонини шифохонга олиб келган, аммо ўша вақтда ҳеч қандай шифокор ва ҳамшира жойида бўлмаган. Ёш фармацевт эса чақалоқни текшириб, уни ўлик деган.

Болани кўмишга тайёрларлик кўришяётганида чақалоқ онасининг кучоғида қимирлаган. Улар шошилинч болани яна касалхонага олиб боришган, аммо у йўлда вафот этган.

Интернет ҳабарлари асосида тайёрланди

## Эълонлар

С. Ҳ. Сирождидинов номидаги республика академик лицейи томонидан 2020 йилда Бугаев Фирдавс Фарход ўғли номига берилган L № 0022729 (руйхат рақами 48) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтини томонидан 2013 йилда Қувондиқов Сардорхон Сидиқ ўғли номига берилган B № 050969 (руйхат рақами 33315) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Гагарин номидаги Тошкент авиация техникуми томонидан 1978 йилда Бурҳанов Бахтияр Ҳакимович номига берилган Я-1 312761 (руйхат рақами 363) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

– Сиз аввал виллоятда ҳам ишлагансиз-ку, шу масала нима учун аввал кўтарилмаган, бу ердан бунақа тақлиф бормаганми? – Кўтмирик қилиб ҳақли савол беради Элтир Гўруғлиев.

– Тақлифлар ҳар йили киритилади, ҳар йили дастур ишлаб чиқилади, – жавоб қайтаради ҳоким. – Мана, мисол учун 2019 йилни гапирадиган бўлсам, Тошкент виллоят учун қўшимча 300 миллиард сўм маблағ ажратилди. Олмалиқ шаҳрини оладиган бўлсам, марказлашган ичимлик суви билан 100 фоиз таъминланган, десак бўлади. Лекин Оққўрғон, Чиноз, Қўйлиқ Чирчиқ туманларининг таъминлан-

сўнг одамлар қўлда челақларда сув ташишади, сувдонларни эшак аравага ортиб, қўшни маҳаллаларга сувга боришади. Ҳар йили шу ахвол.

Энди 5 қақирим жойга ичимлик суви қувури тортиляпти, яъни “Қоратог” иккинчи даҳасига ҳам сув келади. Прессур давомида журналчилар жараённи ўз кўзлари билан кўришди. Аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

Маҳалла аҳли билан гурунглашман, ичидан ўтаётганлари билан қизиқаман.

– Хурсандлигимиздан ўзимизга сизмай кетяпмиз, – дейди “Теракли” маҳалласида яшовчи Анвар Қувондиқов. – Ёш болаларимиз ҳам ҳар кун

“доля”сини беришимиз керак, ё бошқа қилишимиз керак. Бирон гектарам бизга жой қолдирмаган. Пискент тумани ҳокимига неча маротаба хат билан бордик. Лекин ҳеч қанақа ўзгариш йўқ.

– Сизларнинг асосий даромадларингиз чорвада, а? – сўрайди “Ёшлар” телеканали муҳбири Нодирбек Шамсиддин. Отаҳон жавоб беради:

– Шўнайи. Бошқа қаёққа ҳам борами. Жер ҳақи – “налуг”и бўлса, “налуг”ини берамиз. Энди чорваимизни сотишга мажбур бўляпизда. Битта “пресс”ди 12 минг сўм минам уйга оп кеп берса. Пермер пичанни ўради, бойлайди, бизга сотади. Биз сотиб оламиз. Биз бориб ўрайиқ десак, бизга

Муаммоларини гапиршда давом этгиси келиб, Олмалиқ шаҳрига бориладиган йўлни кўрсатганча давом этади у: – Мана йўлимизнинг аҳолисини қаранг. Ҳеч ким қарай демайди. Ҳеч бўмаса, ямаб беринлар, десагам қимайди.

– Бу йўл Тошкент виллоятининг 472-автойўли, – “Теракли” МФЙ раиси Умрқул Тўрақулов отаҳоннинг гапини тўлдирди. – Йўл Пискентга қарайди. Биз аввал “Олтин топкан” жон балансида бўлганмиз. Кон ёпилгач, сувни “Сувқава”га берди, светни “горсет”га берди, телефонни “Тоштелеком”га берди, 2000 йили йўл Пискентга ўтказиб юборилган. Бу йўл Пискентга умуман керак эмас. Мен тўрт йилдан бери мана шу масалани кўтариб келаман. Ҳар йили 6-7 миллион сўм “лимит” ажратар экан бу йўлга. Бу йил 80 миллион сўм ажратилишиди. 80 миллион бу йўлнинг “ремонт”ига урвоқ ҳам бўлмас экан. Бултур ҳам, бу йил ҳам сайёр қабулга борганман шу масалани кўтариб. Бу муаммони фақат сенаторлар ҳал қилар экан.

– Буниям ёзиб олинг, – дейди ҳоким ўринбосарларидан бирига. – Биз ўрганиб чиқайлик. Ҳисоб-китоб қилайлик.

– Йўлнинг узунлиги қанча? – сўрайди кимдир.

Раис жавоб қайтаради: – Ун тўрт километр.

**Уч нуқта**  
Кун оғиб, уйга қайтар эканмиз, ўтган йилнинг декабрь ойида Корея Республикаси қилган сафарим, у ерда ҳокимлар ҳақида эшитганларим эсимга тушади. У ёқларда ҳокимлар халқ измидан чиқмас экан. Чунки уларни халқ сайларканда. Агар уларнинг бирор нуқоя хатти-ҳаракати кузатилса, халқ уларни ҳокимиятдан четлатар экан. Аниқроғи, қайта сайламас экан.

Бизда ҳам ҳокимлар халққа яқинлашяётганидан кўнглим бир оз таскин топади. Олмалиқ шаҳар ҳокими журналистларнинг юз-кўзига қараб, одамларга берган ваъдаларининг устидан чиқишга ишонгим келади. Буни эса, унинг ўзи айтгандай, вақт кўрсатади. Кун келиб, бизда ҳам ҳокимлар сайланишига, ҳамма ҳокимларимиз халқнинг дарду ташвишлари билан яшаб, улар олдида чинакамига ҳисобдор бўлишига умид боғлаб, ёзишларимизга нуқта эмас, уч нуқта қўяман...

**Фозил ФАРХОД,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси  
Тошкент ҳақиқати

# КАТТА ТАШВИШЛАРИ

ганлик даражаси, ишонасизми, 40-50 фоиз. Ажратилган маблағни манзилли йўналтирдик. Эвазига виллоятда марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 74 фоизга кўтарилди. Шунинг учун бу оғир ва катта пул талаб этиладиган масала. Битта шаҳарнинг бутун коммуналция тизимини алмаштирмаган десангиз, миллиардлаб пул кетади. Шунинг учун бу муаммоларни бир йилда қилиб бераман, деб ваъда бера олмайман. Маҳаллий бюджетдан имкон даражасида маблағ ажратамиз ва қиламиз. Республика бюджетидан берилган маблағни эса манзилли ишлатамиз. Ҳаққ биздан рози бўлиши керак. Рози бўлиш учун биз ишлашимиз керак. Етарли даражада ишладикми-ишламадикми, бунинг баҳосини халқ беради. Мен ўзимга ўзимга баҳо қўя олмайманку. Айтолмайман мен яхши ишладим деб. Олмалиққа ҳоким бўлиб келганимга икки-уч ҳафта бўлди. Ишни энди ташкил қилаяман. Келажақда – олти ой, бир йилдан кейин халқ ишимга баҳони ўзи беради.



сув билан овора эди. Ювишгаям, чайишгаям, ҳамма нарасига, арава билан сув ташийди. Бошқа иложимиз йўқ. Техникаси бор одам техникада олиб келади. Йўқ одам айтганимдай пиёда. Мажбур бўлган пайтда кикита “баклажака”ни ҳам кўтариб бораверасизда сувга. Ҳаммага раҳмат!

Шаҳар ҳокими маҳалла аҳли билан юзлашади. Узини Абдуҷаббор Абдуқодиров деб таништирган отаҳон муаммоларини бир-бир санай бошлайди:

– Шу ерда тўғилиб, шу ерда катта бўлганмиз. Муаммомиз сув эди. У ҳам яқинда бўп қоладиган бўлди. Кейин маҳалла моллари учун жайлов жуқ. Мана бу томонимизни тўртта пермер эгаллаб олган, – дея қўли билан кунчиқар тарафдаги адирни кўрсатади отаҳон. – Бу тарафга ўткизайлик десак, бу ёқни ҳам яна битта пермер олган. Ё

жўл бермайди. Улар қонуний пермерми, бошқами, уни ҳеч ким билмайди, борсак, битта қоғозни кўрсатади. Печати бор. Лекин давлатга пайдаси тегадиган пермерларимасда улар. Бутун виллоятнинг молини олиб келиб боғади ўзлариям. Хашагини ўриб сотади. Шу. Ҳеч бало экилмайди. Далада сув жуқ. Ҳаммаси лалми. Бу адирлар Пискент ҳудудида қиради. Лекин биз ҳамма тўловди Олмалиқ шаҳарга тўлаймиз. Газ, свет ва ҳамма нерсани.

Ҳоким муаммоларни ёзиб олишга отаҳондан изн сўрайди. Муаммоларни ҳоким ўринбосарларидан бири ёзиб олади.

– Пискент тумани ҳокими билан алоҳида гаплашаман бу масала бўйича, – дейди Қобил Ҳамдамов. – Сизларга жавобини айтаман.

– Шўндай бўсин, – дейди отаҳон.

# ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, Болажон!



Мактабгача таълим

Болалигимда ҳар кун эрталаб "Боғчага бормайман", деб хархаша қилардим. Чунки, боғчамизда бугунгидек қулайликлар, хушмуомала тарбиячилар, турли-туман ўйинчоқлар, қизиқarli укув қўлланмалари ҳамда чет тилларини ўрганиш бўйича қўшимча машғулотлар бўлмаган.

Кунни тўрт девор орасида битта ўйинчоқни 4-5 бола талашиб ўтказардик, зерикди кетган пайтларимиз кўп бўларди. Бугун эса вазият умуман бошқача. Ҳозирги давр болалари учун мактабгача таълим ташкилотларида ҳамма шароитлар яратилган. Очиғи, уларга ҳавасим келади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби

Биргина, Ўрта Чирчиқ туманида жорий йилнинг октябрь ойи ҳолати бўйича жами 35 боғча мавжуд. Шундан 22 таси давлат ва 13 таси оилавий мактабгача таълим ташкилоти ҳисобланади.

Туманимизда 3-7 ёшли болалар сони 9 минг 844 нафарни ташкил этиб, уларнинг 4 минг 410 нафари (44,8 фоизи) мактабгача таълимга қамраб

га етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ким Пен Хава номи маҳаллада 325 ўринга эга 19-сонли мактабгача таълим ташкилоти реконструкция қилинди. Қолаверса, "Кутарма" маҳалласи ҳудудидаги туман педагогика коллежи биносида янги 240 ўринга мўлжалланган давлат мактабгача таълим ташкилотининг қурилиши якунига етказилиб, фойдаланишга тайёр турибди. Шунингдек, хусусий, давлат хусусий шерикчилик асосидаги ҳамда оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича ташаббускор тадбиркорлар билан ҳам иш олиб бораямиз.

Тумандаги 17-мактабгача таълим ташкилотидамиз. Мазкур муассаса тўлиқ таъмирланиб, 2019 йил 1 майда болажонлар ихтиёрига топширилган эди. Айтиш керакки, боғча карантин талабларига амал қилинган ҳолда фаолият юритмоқда. Бу ерда 27 ходим ишляпти, улардан 5 нафари олий маълумотли педагоглар.

Болаларга "Илк қадам" дастури асосида таълим-тарбия бераёмиз, — дейди мактабгача таълим ташкилоти мудири Д. Қурганбоева. — Педагогларимиз машғулот жараёнида янги замонавий методлардан фойдаланишади. Боғчамизда мурабба, инглиз тили ҳамда спорт тўғрисидаги фаолият йўлга қўйилган.

**Зухриддин РАҲМОНОВ**  
(Тошкент ҳақиқати)  
Аброр ЭСОНОВ  
олган суратлар



мактабгача таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар олиб бораёлапти. Хусусан, соҳа ривожини унун давлат раҳбарининг тегишли фармон қа қарорлари қабул қилинди. Бунинг натижасида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, замонавий бинолар қуриляпти, таълим жараёнига мунтазам янги инновациялар жорий этилмоқда.

олинган, — дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Х. Дўсматов. — Ҳозирда бир нечта муассасаларимиз янгидан барпо этилиб, жорий ва капитал таъмирдан чиқариляпти. Жумладан, давлат инвестиция дастури асосида "Аранчи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги 120 ўринга мўлжалланган давлат боғчасининг қурилиш-таъмирлаш ишларини йил охиригача якуни-

## Шанба сабоқлари

Келин кечки овқат дастурхонини йиғиштириб олди ҳамки, Шарифа кетай демас, ўйланиб ўтирарди. Уғил онасига маъноли қарадио, аста туриб ташқарига йўналди.

— Бугун жуда узоқ қолиб кетдинг... — деб сўз бошлаган онанинг гапини қизи кесди:

— Ётиб қоламан, деб келганман.  
— Нимага? Мана, бизни кўрдинг, гаплашдинг...

— Шарифа бетоқатлик, араз-гина оҳангда яна онасининг гапини бўлди:  
— Уйимизда бир кун ётиб қолсам бўлмайми?

— Орага жимлик чўқди. Шарифанинг боши янаям ағилди, кўзларига ёш тўлди. Она энди чинданам ховотирга тушди:

— Тинчликми?  
Савол бир муддат жавобсиз қолди. Кейин Шарифа бирдан "ёрилди":

— Бездор бун кетдим! Тинмай компьютерда ўйин ўйнаверадилар... Бир нарсаларни томоша қилаверадилар... Кеча кечкурун шуни гапиргандим, ёқмади. Эрталаб: "Уйимизга бораман, ётиб қоламан", десам, индамай чиқиб кетди...

Бу гаплар асосида онанинг қошлари орасидаги тугун қалинлашди.

— Ҳа-а, — деди маъноли. — бугун сен

бу ерда ётиб қоладиган бўлсанг, қуёвимга айтиб мурдао бўлибди-да, — хайрон бўлиб кўзларини катта очган қизига бир қараб қўйиб давом этди. — Тонггача маза қилиб компьютер ўйнардан-да!  
— Нима қилса қилаверсин! Бир яхшилаб ўйлаб кўрсин!  
— Эрингга араз қилиб чиқиб келган

# ЁМОНЛИКДАН ЯХШИЛИК КЕЛМАС



бўлсанг, у ўйлаб кўриб, яхшилик томонга ўтади-қолади дейсанми? — она нарироқ сурилиб, бир муддат деразадан ташқарига қараб қолди, кейин сўради. — Ҳамма гап шуми?  
— Сиз билмайсиз... ёнингиздаги битта битта одамнинг ишдан келишини кечгача кутсангиз-у...  
Қизининг куюниб бошлаган бу гапи-

ни эшитмагандай, она яна савол берди: — Нариги кўча бошида майда-чўйда сотиб ўтирадиган аёлни биласан-а?  
Бирданига сўхбат мавзун ўзгарганидан қизи хайрон бўлди, онасининг овозига энди таҳдиди, оғохлантириш оҳангими қўшилгандай эди.  
— Ҳим-м, ҳалиги... болаларимни

ёлғиз ўзим катта қилганман, деб ҳаммага гапиравердиган хотинми?  
— ...Мен келин бўлиб тушганимда, унинг болалари кичкина, одамларнинг айтишича, бир яхши хунараманд эри бор эди. Ушанда шу эри ичадиган одат чиқарибди, аёл бундан норози бўлиб ҳаммага гапираркан, кўни-кўшинга ашиттириб уришаркан. Бир кун қайнотам раҳматли дарвозадан бошларини сарак-сарак қилиб, "Ҳа, аттанг, аттанг!" деб кириб келдилар. Кейин буvingга:

— Нариги кўча бошида жувон маст эрини уйига киргизмасдан, эл олдида ўзиниям, эриниям беобрў қилапти. Унга бир нарсга дейишга тортиндим. Уруш-жанжалдан яхшилик чиқмайди. Сен ҳозир боргин-да, жувонни секин уйига олиб кириб, тушунтир. Эрини ёшлиғидан биламиз, туппа-тузук йигит, яхши гапни уқади, менимча". Қайнонам: "Хўп" деб чиқиб кетдилару кўп ўтмай: "Тавба, тавба" деб қайтиб келдилар. Аёл ҳеч кимни эшитишниям хоҳламабди. Насихат қилмоқчи бўлганлар билан ҳам уришиб кетибди. Уша йигит баттар ичадиган бўлди, дардага йўлиқди... — она бир лаҳза тин олди, овози титраб давом этди. — Ёшгина ўтиб кетди. Ахир, аёл киши озми-кўпми бирга яшаганидан кейин эрининг фель-атворини, нимани ёқтирадио, нимани ёмон кўришини билиб олиши, шунга қараб муомала қилиши керак...

Шарифа ўрнидан туриб, нарсаларини сумкасига сола бошлади.  
— Худо хоҳласа, эрта-индин ота-она бўласизлар. "Юринг, менга пиёда юриш фойдали", деб ширин гапир. Ишларингга ёрдам сўра. Ичимдагини топ, деб ўтираверсанг, эрингга сендан кўра ўша компьютери қизикроқ-да!  
Бу пайтда Шарифа ўрнидан кўзгалган ҳолда онасига қараб "Дуо қилгин" дегандай, қўлларини очиб турарди...

**Муҳтарам УЛУҒОВА**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Телефонлар:**  
Қабулхона: (71) 233-64-95  
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10  
Масъул котиб: (71) 233-90-82  
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

**Манзил:**  
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Навбатчи муҳаррир**  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**